



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
23 июнь
ШАНБА
№ 49
(12.477)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

ХОРИЖ ИНВЕСТИЦИЯСИ – ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутади.

Вилоят адлия бошқармаси "Хорижий инвестиция ва хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқий ҳимояси" мавзусида ўтказган семинарда Савдо-саноат палатаси, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, банк, солиқ, боғжона, шунингдек, турли йўналишда фаолият кўрсатувчи хорижий инвесторлар ва чет эл инвестицияси иштирокидаги корхона вакиллари иштирок эттишти.

лар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони янги имтиёз ва кафолатлар тизимини яратишда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Анжуманда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар вакиллари мамлакатимизда яратилаётган қўлай сармоёвий муҳит, янги қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар, миллий иқтисодиётимизга инвестиция кiritиш кафолатлари тўғрисида батафсил тушунча берилди.

Шаҳноза УСМОНОВА.

БЕКОбОД ШАҲРИ

ЧЕГАРАЧИ – ЮРТ ПОСБОНИ

"Давлат чегараси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг жойлардаги ижросини таъминлаш, маҳаллий аҳоли ўртасида чегара билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан ҳисобланиши БекОбод шаҳридаги Металлургия маданият саройида ўтказилган тадбирда алоҳида таъкидланди.

Шаҳар ва туман ҳокимликлари, "Маҳалла" жамоат фонди, "Қамолот", халқ таълими бўлими, касб-хунар коллежлари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда чегара кўшиклари

нинг аҳоли билан ҳамкорликда иш олиб бориши муҳимлиги алоҳида урғу берилди. Шунингдек, шаҳар ҳудудида жинорий хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган ишлар хусусида сўз юритилди.

Неъмат РУСТАМОВ.

ЮКОРИ ЧИРЧИК ТУМАНИ

ҲАМ МОДДИЙ, ҲАМ МАЪНАВИЙ КЎМАК

Туман ҳокимлигининг мажлислар залида "Эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда туман бандликка кўмаклашиш маркази ходимлари, молия бўлими мутахассислари ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вакиллари иштирок этди.

Янгибозор шаҳарчаси фуқаролар йиғини ташаббуси билан уюштирилган

ийгилишда ёрдамга муҳтож оилаларни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаш хусусида сўз борди. Шунингдек, ишлаш нияти борларга амалдаги қўнчилик бўйича йўл-йўриқ ва маслаҳатлар берилди.

Ирода Максуд қизи.

Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ҳамкорлигида "Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлоднинг шакллантириш борасида амалга оширилган ишлар, истиқболдаги режалар" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Тадбирда республика Президентининг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлоднинг шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг аҳамияти ва жойлардаги ижроси ҳақида сўз борди. Утган йиллар давомида қишлоқ врачлик пунктлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 30 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағга тиббий асбоб-анжомлар, жумладан, ташхис аппаратлари ва жихозлар, 400 дан ортиқ "Дамас" ва "УАЗ" русумидаги транспорт воситалари билан таъминлангани таъкидланди. Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Юлдаз ИСАЕВА.



Вилоят ОИТСга қарши кураш маркази, методик, профилактик ва эпидемиология қарши ишларни ташкил этиш бўлими мудири вазифини бажарувчи Роҳиля Юсупова ушбу иллат оқибатлари ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Гиёҳвандликнинг энг оғир оқибатлари шуки, аввало киши инсоний қиё-

АБИТУРИЕНТ – 2012



ЙЎЛ АНИҚ, МАҚСАД ТАЙИН

Бугун Чирчиқ шаҳридаги ижтимоий-иқтисодиёт касб-хунар коллежи остонасида турган ўғил-қизларга қароб, хавасингиз келасди. Улар танлаган йўл аниқ, мақсадлари тайин.

– Шу касб-хунар коллежиде бухгалтерия ҳисоби ва аудит мутахассислиги бўйича ўқиш ниятиданаман, – дейди Гулноза Нуриллаева. – Ўқишни тугатгач, корхона, ташкилот ва муассасаларда ҳисобчи лавозимида ишлашим мумкин. Орузлари осмон шу қизалоқ каби қўллаб ёшлар ушбу коллежда ўқиш истагида. Ҳужжатларини қўлда ушлаганча навбат куттишмоқда. 2003 йилда иш бошлаган коллежда молия, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, солиқ ва солиққа тортиш, хўжалик ҳуқуқи фаолияти,

шубҳасиз. Компьютер технологиялари билан таъминланган ахборот-ресурс марказида ўзлари ёқтирган китобларини мутлола қилишлари, чет эл адабиёти дурдоналари билан танишишлари мумкин. Ҳақиқатдан ҳам, йигит-қизларнинг айнан шу ижтимоий-иқтисодиёт касб-хунар коллежиде ўқишни исташлари бежиз эмас. – Шаҳарда 25 та умумтаълим мактаби бўлса, аксарият битирувчилар бизнинг коллежга ташриф буюришади, – дейди коллеж директори Тошпўлат Ниёзов. – Режа бўйича бу йил бизга 510 бола ўқишга ки-

риши мумкин. Ҳозиргача 200 дан зиёд ўқувчидан хужжат қабул қилдик. 2006 йилда коллежнинг биринчи битирувчилари 126 нафар бўлса, бу йил 420 ўқувчи учирма қилинди. Коллеж шаҳардаги 53 та корхона билан шартнома тузиб, битирувчиларнинг келажакдаги фаолиятини таъминлади. Шунингдек, Тошкент Давлат молия институтини, Тошкент Давлат педагогика университетини билан шартномалар тузиб, ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Ирода НОРБОЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СУРАТДА: қабул жараёни. Даврон АҲМАД олган сурат.

ИСЛОҲОТ ВА САМАРА

Ўзбекистон Давлат мулки қўмитасида давлат мулки объектларидан келгусида самарали фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 майда қабул қилинган "Давлат мулки объектларидан келгусида самарали фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳақида йиғилганларга батафсил маълумот берилди. Тадбирда Президентимизнинг 2012 йил 25 апрелдаги "2012-2013 йилларда давлат мулкини хусусийлаштириш дастури тўғрисида"ги Қарори республика иқтисодиётини таркибий ўзгартиришни янада қучуқлаштириш, хусусий мулкнинг роли ва аҳамиятини янада оширишда муҳим дастуримал бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

Матбуот анжумани якунида соҳа мутахассислари журналистларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб беришди.

"Туркистон-пресс".

ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРЛАРИ

ФЕРМЕРНИНГ ТҮРТ ТАЯНЧИ

Юртимизда фермерлик ҳаракати бошланган давра бундан буён юзлаб қишлоқ мулкдорларимиз деҳқончилик ва чорвачилик тармоқлари кенг ривожланган мамлакатлар фермер хўжаликлари фаолияти билан бевосита танишиш мақсадида хизмат сафарларида бўлишди. Улар хориждан кўп нарсаларни ўрганиб қайтишгани шубҳасиз, албат-

та. Аммо, биз уларнинг беистисно ҳаммалари алоҳида таъкидлашган бир жиҳатга урғу бермоқчимиз. Яъни, чет эллардаги фермерларнинг деярли ҳаммалари катта-катта майдонларда, аммо камчилик бўлиб, аниқроқ қилиб айтганда, оила аъзолари-ю, уч-тўрт қариндош-уруғлари билан иш-лашар экан.



Вилоятимизда шунга интилаётган фермер хўжаликлари оз эмас. Масалан,

Оҳангарон туманидаги "Лаззат латофати" фермер хўжалиги раҳбари Мухтарам Сайфиддинованинг тўрт ўғли аллақачон ёнига кирган. Улар асосий соҳалар-

ни бошқаришни ўз зиммаларига олишиб, бошлиқнинг юқини анча енгиллаштирган. Энди фермер Мухтарам Сайфиддиновани кўпроқ хўжалиқнинг истиқболини ўйлаш билан банд бўлаёпти. Бир бошдан айтсак, фермернинг ўғли Мақсуджон хўжалиқнинг бош ҳисобчиси, десак ҳам бўлади. Бутун ҳисоб-китоб, иқтисодий таҳлил ва режалаштириш ишлари унинг зиммасида. Лочинбек аввал комбайнчи эди. Ҳозир, таъбир жоиз бўлса, бош муҳандислар сингари хўжалиқнинг барча техника воситалари жилавини қўлга олган. Техника эса, оз эмас.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТДА: (чапдан) фермер Мухтарам Сайфиддиновани, иш юритувчи Ботир Ҳаликов, ишчи Фарҳод Мадрохимов. Даврон АҲМАД олган сурат.

2012 йил учун ОБУНА давом этмоқда. «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетаси индекси – 205.

ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРЛАРИ

ФЕРМЕРНИНГ ТҮРТ ТАЯНЧИ

Немисларнинг иккита "Класс-Доминатор-130" ва битта "Кейс-155" дон комбайнлари, "Ньюхолланд" ва ТТЗ-80/10 тракторлари, бугдой сомонини пресслайдиган "Класс" техникаси, қолаверса, культиватор, сеялка, плуг, борона дегандек, ҳаммаси ўзларида бор. Дарвоқе, бу йил иккита "Орион-Класс" ҳайдов трактори сотиб олмакчи. Бу ҳам амалга ошадиган иш. Чунки, хўжалик илгари ҳам "Ипотекабанк" дан уч марта катта-катта кредит олиб, вақтида қайтариб, банкнинг ишончига кирган. Қолаверса, хўжаликнинг ўз маблағи ҳам кўп. Масалан, 2011 йилда галланинг ўзидан 75 миллион сўм фойда олинган бўлса, бу йил камидан 100 миллионни мўлжаллаб туришибди.

– Техника – фермернинг оёқ-қўли, юриб турмаса, узок вақт қантариқда ётса, хўжаликка нафи кам тегади, – дейди Лочинбек. – Шунинг хисобига олиб, қўшни фермерларнинг илтимоси билан бўш турган техникаларимиз ёрдамда шартнома асосида ишларини бичиб берамиз. Бу – яхшигина қўшимча даромад дегани.

Фермернинг яна бир ўғли Улғубек мохир комбайнчи. Хўжаликнинг ҳамма бугдойини асосан ўзи ўриб-яндади. Кейин қўшилларга (тайилги ҳақ эвазига, албатта) ёрдамга ўтади.

Энди "кенжа ботир" Жавлонбекка келсак, у вақти келиб, онасининг ўрини эгалласа ҳеч ким ажаб-

ланмайди. У табиятан дехқон. Ер, экин, умуман, дала – жони-дили. Ерларни тайёрлаш, экиш, ўғитлаш, суғориш, культивация, кўйинги, дала ҳосилотлари бажарадиган ҳамма агро-техник тадбирларга бошқош.

– Беш гектарда кунгабоқар ҳосили етиляпти, – деди Жавлонбек. – Бундан ташқари, галладан бўшаган ерларнинг бир қисмини шудгорлаб, маккажўхори экамиз. Тўрт тонна уруғлик картошка тайёрлаб қўйганмиз.

Бу галдан чиқадиган хулоса шуки, кунгабоқар ва кечки картошка ҳосили ҳам хўжаликнинг бор-йўғи 15 кишилик жамоаси рўзғорини бутун, турмушини фаровон қилиш мақсадида етиштирилади.

– Ҳозир шундай даврки, яхши маънодаги уруғчак фермернинг қўли узайиб бораверади, – дейди Мухтарам Сайфиддинова. – Биз, фермерлар давлатимиз яратиб бераётган қўлай имкониятлардан аниқ мақсадларни кўзлаб, астойдил фойдалансак, қишлоқда кичик ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш саноатини ривожлантиришда асосий кучга айланишимиз шубҳасиз. Масалан, биз 12 гектарли мевали боғ барпо этгандик. Олти минг туپ семеренко навли олма бу йил нишона кўрсатди. Келгусида мевани қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантириб сотиш учун имконият дегани бу. Хом ашё ўзидан чиқса, даромад ҳам мўймай бўлади.

Самад Йўлдош.

ИСТИҚЛОЛ ИНШОТЛАРИ



ЯНГИ ТУҒУРУҚХОНА ИШГА ТУШДИ

"Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!" тамойилидан келиб чиқиб, мамлакатимизда мустақилликнинг илк давлариданоқ бевосита Юртбошимиз раҳнамолигида инсон саломатлигини мустаҳкамлашга, хусусан, оналик ва болалик муҳофазасини кучайтиришга жиддий эътибор қаратилаётганлиги аниқ. Эзгуликка йўрилган бундай сайёҳаракатлар самарасини Юқори Чирчиқ тумани мисолида ҳам кўриш мумкин.



Туманда 2011-2012 йилларда аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш учун фақат давлат ҳисобидан 7 миллиард сўмдан ортиқроқ маблағ сарфланиши режалаштирилган эди. Шу маблагнинг 2,3 миллиард сўми туман марказий

шифохонаси қошида жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган 50 ўринли туғуруқхона мажмуасини барпо этишга сарфланди. Бу улкан иншоотни Алишер Жабборов етакчилиги қилаётган "Тарамуш" хусусий фирмаси жамоаси бунёд этди.



Энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган туғуруқ мажмуаси атрофида ҳомиюрлар кўмагида тиббиёт ходимлари катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишларини амалга оширишгани ҳам узукка кўз қўйгандай бўлди. Яқинда янги қад ростлаган ушбу туғуруқ мажмуасини очишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар тиббиёт тизимида амалга

Абдуғани ЮСУПОВ олган суратлар.

26 ИЮНЬ – БУТУНЖАҲОН ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ

ОИВ – одам иммунитетни танқислиги вирусидир. У ҳужайра ичига ўтган, битта вирусдан озолаб вирусчалар ҳосил бўлади. ОИВни юқтирган одам дастлабки йилларда ўзини соғлом ҳис қилиши мумкин. Бу касалликнинг яширин босқичи бўлиб, одамнинг ёши, тананинг бақувватлиги, юқиб йўли ва танага тушган вирусларнинг миқдори қараб 3-6 ойдан 5-10 йилгача давом этади. Бу даврда одамнинг ташқи кўриниши, соғлом одамлардан фарқ қилмайди. ОИВ инфекциясининг яширин босқичи жуда хавфли бўлиб, одам биллиб-билмай, касалликни бошқаларга юқтириши мумкин.

ОИТС – орттирилган иммунитет танқислиги синдроми эса юқоридаги касалликнинг якуний босқичидир. Бунда иммунитетнинг кучсизланиши оқибатида танада турли касалликларга ривожлана бошлайди. Орттирилган дейлишига сабаб, бу касаллик тугма бўлмайди. Одам уни ҳаёти давомида орттиради. Иммунитет танқислиги эса унинг емирилиши билан давом этади. Охир-оқибат иммунитет танқислигига олиб келади. Синдром дейлишига сабаб эса унга чалинган одамда бир эмас, бир неча касаллик хуруж қилишидир.

ОИВ инфекциясини юқтирган беморларда иммунитетнинг кучсизланиши оқибатида касалликлар тез ривожланиши, одатдагидан кўра узок давом этиши,

қийин даволаниши ва оғир асоратлар қолдириши билан хавфлидир. Оддий грипп ёки нафас йўлининг бошқа вирусли инфекциялари, пневмония ва менингит каби ҳаёт учун хавфли касалликларнинг ривожланишига сабаб бўлади.

Ушбу инфекция онадан болага ҳомиладорлик даврида, туғиш ва эмизиш жараёнларида юқиши мумкин.

Ҳозирги вақтда дунё бўйича касалликнинг жинсий

қон ва қон маҳсулотларини қўйиш инфекцияни юқтиришнинг ўта юқори хавфини юзага келтиради. Ҳозирги вақтда касалликнинг бу йўли билан юқишини олдини олиш борасида тиббиётда жумла кўп ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бунда беғараз донорлар қонидан фойдаланилади. Уларнинг барчаси ОИВ инфекциясига, гепатитнинг В ва С турларига, заҳим касаллигига текширилади. Бундай текширув-

Авалло, гиёҳванд моддаларни қабул қилиш иллатидан йироқ бўлиш лозим. Ҳар бир одам муволажа олаётганда бир марталик игна ва бошқа инъекция асбобларини ва дори воситаларини тиббиёт ходимларидан кўз олдига очиниши талаб қилиши керак.

Тиш чўқаси, устара, тирноқ тозалаш ва олишда фақат шахсий асбоблардан фойдаланишга одатланиш зарур. Татуаж қилдирилганда, бўёқ

нозик. Ундаги майда қон томчилар яллиғланиш ва шикастланишига мойил бўлади.

Афсуски, бугун ОИВ касаллигига чалинаётганларнинг аксарияти ёшлар. Улар саломатлиги ва ҳаётига хавф солади бундай касалликлардан ҳимоя қилишга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республикада ОИВ инфекциясини тарқатишига қарши кураш чора-тадбирларини амалга оширишни таъминлайдиган, ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган ягона тизим яратилди. Шунингдек, вазирлик, идора, маҳаллий ҳокимликлар, жамоатчилик ва халқро ташкилотлар амалга ошираётган тадбирларни мувофиқлаштириш мақсадида республика комиссияси ташкил этилди.

Юқорида қайд этилган хасталиқларга қарши махсус химия омилли – вакцина хали ишлаб чиқилмаган. Касалликдан тамоман соғайтирувчи, танадаги вирусларни бутунлай бартараф этувчи дори воситалари хали топилганча йўқ. Ҳозир қўланилаётган воситалар танада вируснинг кўпайишини секинлаштиришига қарши махсус химия омилли – вакцина хали ишлаб чиқилмаган. Касалликдан тамоман соғайтирувчи, танадаги вирусларни бутунлай бартараф этувчи дори воситалари хали топилганча йўқ. Ҳозир қўланилаётган воситалар танада вируснинг кўпайишини секинлаштиришига қарши махсус химия омилли – вакцина хали ишлаб чиқилмаган.

Сўхбатни "Тошкент ҳақиқати" мухбири Равшан ЁҚУБЖОНОВ эътибор олдди.

ИҚТИДОРЛАР УЧУН СТИПЕНДИЯ

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" ҳамда "Меҳр нури" жамғармалари ҳамкорлигида ташкил этилаётган анъанавий "Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури" га ҳужжатлар қабули бошланди. Ҳужжатлар 2012 йил 1 августгача қабул қилинади.

Дастур доирасида ҳар йили юртимиз олий ўқув юртида тахсил олувчи 3-4-босқич иқтидорли талабаларига махсус стипендиялар ажратилиши кўзда тутилган. Жумладан, "Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури" талаба-ёшларни молиявий жиҳатдан рағбатлантириб, уларнинг қобилиятини қўллаб-қувватлаш, ўз қизиқишларини юзга чиқаришга имкон яратишда муҳим аҳамият касб этаётди. Танловдан муваффақиятли ўтган номзодларга бир ўқув йили давомида ҳар ой қўшимча стипендия тўлаб борилади.

"Туркистон-пресс".

БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

18-19 июнь кунлари Зангиота тумани Кўктерек қишлоғи фахрий ўқитувчилари ҳамда Қизил Ярим ой жамияти туман бўлими кўнгилчилари учун Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилоятининг Нурута туманига саёҳат уюштирилди.

Дастлабки саёҳат апрель ойида ташкил этилган эди. Унда тиббиёт соҳаси фахрийлари муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиб қайтишганди. 19-20 май кунлари Халқ демократик партияси фахрийлари тарихий обидаларга бой виллоятларга сафар қилиб, у ерда амалга оширилаётган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари билан ҳам танишдилар.

– Бундай саёҳатларни уюштиришга ёрдам берган "Тошвилтранс-терминал" уюмаси раҳбариятига миннатдорчилик билдирамиз, – дейди туман Қизил Ярим ой жамияти ижрочи директори Ҳади-

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов мавзуси: "Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ёшларнинг илмий-техник, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш йўналишидаги лойиҳаларини амалга ошириш".

Танловга Ўзбекистон Республикасининг Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

- ёшларни эркин фикрлаш, мустақил позицияга ва қатъий ишончга эга бўлиш руҳида тарбиялашга қаратилган ижтимоий шериклини кучайтириш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;
- ёшларнинг эҳтиёж катта бўлган касбларга эга бўлишларига қўмаклашиш, кичик шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида яшаётган ёшларни, олий ўқув юртилари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини иш билан таъминлаш;
- истеъдодли ва иқтидорли ёшларни илмий йўналишдаги фаолиятга кенг жалб этиш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятларини тўла ишга солишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш;
- ёшларни миллий ҳамда умуминсоний қадриятларимизни ҳурмат қилиш, мамлакатимизнинг бой тарихий меросини авайлаб-асраш руҳида тарбиялаш;
- ёшлар онига соғлом турмуш тарзи таъминлашлари сингдириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик каби унсурлардан, четдан кириб келаётган "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига арза тақдим этилаётганлиги ҳақидаги кузатув хати;
2. Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;
3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
4. Низом нусхаси (ташкilot муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан).

Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 15 миллион сўмгача.

ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади.

Ҳужжатлар 2012 йил 15 июль соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): "100035, Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 1-уй" манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий сайтида танишиш мумкин. Маълумот учун тел.: 239-26-76, 239-26-64.

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди "Мустақил босма ОАВларини қўллаб-қувватлаш борасида белгиланган чора-тадбирлар ва уларни янада ривожлантиришнинг устувор вазифалари" мавзусида матбуот анжумани ташкил этди.

Иштирокчиларга ахборот соҳасини либераллаштириш, мустақил босма ОАВларнинг иқтисодий эркинлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ишловлар мазмун-моҳияти ҳамда ОАВлари фаолиятини ривожлантиришга оид имтиёз ва имкониятлар ҳақида маълумот берилди. Бу борада жамоат фонди амалга ошираётган ишлар ва намунадаги вазифалар хусусида фикр алмашилди.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган фикр-мулоҳазалар билан ўртоқлашиб, қатор саволларга жавоб олдилар.

У. ФАЗЛИЕВА.

САЙЁРАМИЗДАГИ АСР ВАБОСИ

Ҳозирги кунда юртимиздаги барча манфаатдор идора ва ташкилотлар, кенг жамоатчилик дунё бўйича "Аср вабоси" деб тан олинган гиёҳванд моддаларнинг гайриқонуний айланишига қарши курашга жалб этилган.

Республика Ички ишлар вазирлиги ва унинг қўйи тизимлари ҳар йили "Ёшлар орасида гиёҳванд воситалар тарқатилишига қарши кураш", "Таркибидан гиёҳванд ва психотроп моддалар бўлган дори-дармонларнинг ноқонуний муомаласига қарши кураш" ҳамда икки босқичли, кенг қамровли "Коридори – 2012" профилактик тадбири ўтказилапти.

Ички ишлар, Халқ таълими,

Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, республика "Маҳалла" жамоат фонди, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ва Тошкент шаҳар "Istiqbolli Avlod" ёшлар ахборот-маърифат маркази ҳамкорлигида аҳоли, айниқса, вояга етмаганлар, ёшлар ва хотин-қизлар орасида маънавий-маърифий ишларни яна-

да жонлантириш, ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича режа ишлаб чиқирилиб, ижроси таъминланмоқда. Ушбу режага кўра, таълим муассасаларида давра сўхбатлари, учрашув, савол-жавоб кечалари ва семинарлар ўтказилапти.

Мазкур тадбирлар иштирокчилари онгига гиёҳвандлик, диний экстремизм ва терроризмнинг давлат ҳамда фуқароларга таҳдидлари, шунингдек, бу иллатларнинг ечимларига оид тушунарлар чуқур сингдириляпти.

Ю. ФАЗЛИДИНОВА.



